

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг биринчи чорагида
назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти**

О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг биринчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида вилоят судларининг апелляция инстанциясида 1 267 та, кассация инстанциясида 1 618 та фуқаролик ишлари кўрилган. Апелляция инстанциясида туманлараро судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг 177 (234) таси ёки 0,5 фоизи, кассация инстанциясида 282 (387) та ёки 0,7 фоиз ишлари бўйича жами 459 та ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Апелляция ва кассация инстанциясида биринчи инстанция суди қарорларининг бекор қилиниши Тошкент шаҳрида 81 та, Тошкент вилоятида 71 та, Фарғона вилоятида 45 та, Қашқадарё вилоятида 44 та, Сурхондарё вилоятида 36 тани ташкил этган.

Вилоят судлари апелляция ва кассация инстанциялари ваколатидан тўғри фойдаланиш, ўз вақтида суд хатоликларини тўғрлаш ўрнига, айрим ҳолларда ўзлари қўпол хатоликка йўл қўйиб, мазмунан тўғри бўлган суд қарорларининг бекор қилинишига йўл қўйган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, Олий судда назорат тартибида бекор қилинган апелляция ва кассация инстанцияси судлари ажримлари бўйича 18 та иш бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 3 та, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида 2 та, Тошкент шаҳрида 2 тани ташкил этган.

Судлов ҳайъатида кўрилган ишлар бўйича қуйи судлар томонидан ишни кўришда йўл қўйилган қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 14 та хусусий ажримлар чиқарилган.

Туманлараро судларининг барча суд инстанцияларида кўрилган ишлар бўйича жами 557 та ёки 1,5 фоиз суд қарорлари бекор қилинган.

Айниқса, Тошкент шаҳрида 96 та, Тошкент вилоятида 80 та, Фарғона вилоятида 67 та, Қашқадарё вилоятида 58 та, Хоразм вилоятида 42 та суд қарорлари бекор қилинган.

Бекор қилинган суд қарорларининг таҳлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан уй-жой, меҳнат, кредит, ер, мерос ҳамда битимлар билан боғлиқ низолар билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал

ҳуқук нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш натижасида хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

1. Соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тиббиёт бошқармаси бошлиғининг қарори асосида амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Аризачи Турсуной Бекчанова М. туман ҳоқими хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳоқимияти зиммасига М.тумани, Тиббиёт бирлашмасининг 2009 йил 22 октябрдаги 3-сонли қўшма қарорига асосан балансдан чиқарилиб, у томонидан қабул қилиб олинган, “Олмазор” МФЙ, “Учтут” қишлоғида жойлашган ҚФП биносига эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклатишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 7 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан аризачининг шикояти қаноатлантирилиб, М. туман ҳоқимияти зиммасига М. тумани, Учтут қишлоғида жойлашган қишлоқ врачлик пункти биносига аризачи Турсуной Бекчанованинг эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 9 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 12 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, аризачининг шикоятини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, М. тумани, Тиббиёт бошқармаси ва касаба уюшмаси кўмитаси раёсатининг 2009 йил 28 сентябрдаги 3-сонли қўшма қарорига асосан тиббиёт ходими Турсуной Бекчанова узоқ йиллик меҳнат фаолияти даврида ҚВП биносини доимий равишда ўзи таъмирлаб келганлиги муносабати билан бино ва унга тегишли ер майдони унинг ҳисобига ўтказилган.

Суд, аризачининг талабларини қаноатлантиришда юқоридаги қўшма кўрсатма қарорига ҳамда у низоли бинони ўз ҳисобидан таъмирлаб турар-жой сифатида фойдаланиб келганлигига асосланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси иккинчи қисмининг 27-бандига асосан соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қарорига биноан амалга оширилиши белгиланганлиги эътибордан четда қолдирган.

6-2007-18-сонли иш

2. Уй-жой рўйхатида турган фуқарони, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топмасдан туриб, олти ойдан ортиқ муддат давомида уй-жойда яшамаганлиги асоси бўйича уйдан кўчириш мумкин эмас.

Юлдуз Исаева жавобгар Хамро Шариповга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, турар-жойга киритишни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 26 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 14 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Юлдуз Исаева жавобгар Хамро Шариповнинг ўғли А.Каримов билан 2015 йил октябрда никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуриб, Зомин тумани, Памир кўчаси, 12-уйга келин бўлиб тушган, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзандлари бор.

Ю.Исаева 2016 йил 14 апрелда келин бўлиб тушган уйга доимий рўйхатга қўйилган, шу уйда оила аъзолари билан 2016 йил декабргача яшаб келган, бироқ оиладаги ўзаро келишмовчиликлар туфайли уй-жойдан чиқиб кетган, лекин шу уйда доимий рўйхатда қолган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидир. Бу шахслар уй, квартиранинг, мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ушбу Кодекснинг 52-моддасига биноан, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради. Фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий

фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Лекин судлар мазкур қонун талабларини ҳамда жавобгарлар даъвогарларни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни сўраб судга мурожаат қилмаганлигини инобатга олмасдан даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-115-19-сонли иш

3. Амалдаги ФПКнинг 263-моддаси талабига кўра, ҳал қилув қарори мазмунини ўзгартирган ҳолда тушунтириш бериш мумкин эмас.

Махмуд Мурадов жавобгар “Муборак” МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ишга тиклашни, мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашни, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарларни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра, даъвогар М.Мурадов “Муборак” МЧЖга аввалги “Маданият ва дам олиш парки”га 3-даража билан 0,5 ставка ишчиси вазифасига тенг бўлган вазифага ишга тикланган.

“Муборак” МЧЖ раҳбари Фаррух Нафасов суд қарорига нисбатан тушунтириш беришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 6 декабрдаги ажрими билан кассация инстанциясининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими юзасидан “Муборак” МЧЖда иш ўрни бўлган тақдирда, даъвогар М.Махмудов “Муборак” МЧЖга, агар жамиятда иш ўрни бўлмаган тақдирда, жамиятга тегишли бўлган бошқа корхоналарнинг бирига (Табиат МЧЖ, “Таббий-тола” МЧЖ, Шовот-Текс” МЧЖ) аввалги вазифасидан кам бўлмаган вазифасига ишга тиклаш ҳақида тушунтириш берилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 13 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорларига тушунтириш бериш ҳақидаги ажрими бекор қилиниб, аризани рад қилиш ҳақида янги ажрим чиқарилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 263-моддасига кўра, ҳал қилув қарори ноаниқ бўлса, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек ҳал қилув қарорини ижро этиш зиммасига юклатилган органлар ва давлат ижрочисининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли.

Бироқ, кассация инстанцияси томонидан суд қарорининг мазмунини ўзгартирилган ҳолда тушунтириш берилган.

4. Шартномадан келиб чиқадиган муносабатлар мажбуриятларнинг бир тури ҳисобланса-да, суд ушбу тоифадаги низоларга даъво муддати қўлланилмайди деб асоссиз хулосага келган.

Даъвогар И.Аминов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Д.Турдиевдан 1.850 АҚШ доллари ва 850.000 сўм қарз суммасини банк фоизи билан ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, даъвогар И.Аминовнинг фойдасига жавобгар Д.Турдиевдан 15 259 650 сўм асосий қарз суммаси, 2 025 851 сўм фоизи, давлат фойдасига 605 300 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 11 сентябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 12 февралдаги ажрими билан куйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар И.Аминов жавобгар Д.Турдиевга 2007 йилда 1 850 АҚШ доллари ва 850 000 сўмни қарзга берган.

Бу ҳақда жавобгар Д.Турдиев ўз қўли билан 1 850 АҚШ доллари ва 850 000 сўм олганлиги ва ушбу қарз суммасини 2008 йил 30 июнда қайтариши ҳақида тилхат ёзиб берган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Бироқ, 2008 йил 30 июндан даъвогарда қарз суммасини қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келган бўлса-да, 2018 йил 25 июнда қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида жавобгар томонидан даъво муддатини қўллаб, даъвогарнинг талабларини рад этиш тўғрисида ариза тақдим қилган бўлса-да, судлар жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги аризани муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосланиб, мулк ҳуқуқи муддатсиз эканлиги ҳақидаги қонун нормасига асосланиб, мазкур аризани асоссиз рад этган.

5. Умрбод таъминлаш бўйича ёзма келишувда мулкдорга қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилмаган бўлса, умрбод таъминлаш шартномасини ҳақиқий деб топиш мумкин эмас.

Даъвогар Л.Ибрагимова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Х. шаҳар, А.Авлоний кўчаси 93-уй, 13-хонадонга нисбатан ўзи ва К.Шарипов ўртасида 2013 йил 8 январда тузилган умрбод таъминлаш шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 21 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 19 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 12 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Х. шаҳар, А.Авлоний кўчасида жойлашган 93-уйнинг 13-хонадони марҳум К.Шариповга тегишли бўлган, у 2017 йил 5 сентябрда вафот этган.

Марҳум К.Шарипов ҳаётлик вақтида даъвогар Л.Ибрагимова билан ўзаро ёзма келишув тузиб, унга кўра, даъвогар Л.Ибрагимова марҳум К.Шариповни умрининг охиригача моддий ва маънавий томондан таъминлаши, вафот этганидан сўнг унинг барча дафн маросимларини ўтказишни ҳамда қабр тоши ўрнатишни ўз зиммасига олган.

Бунинг эвазига марҳум К.Шарипов даъвогар Л.Ибрагимовага низоли хонадонни мулк ҳуқуқи асосида қолдириш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Ушбу шартнома гувоҳ Н.Абдурахмонова иштирокида қўлёзма шаклида тузилган бўлиб, нотариал тартибда тасдиқланмаган.

Қуйи судлар даъвогар Л.Ибрагимова шартномада кўрсатилган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажарганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112, 530, 531-моддаларига асосланиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 531-моддасига кўра, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ушбу Кодекс 110-моддасининг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

Бироқ, судлар умрбод таъминлаш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаганлигига ҳамда шартномада қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой

(уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилмаганлигига эътибор қаратмаган.

6-336-19-сонли иш

6. Мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилмаган бўлса, суд томонидан шартнома бекор қилиниши мумкин эмас.

“Бунёдкор” МЧЖ жавобгар Ш.Салимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда шартномани бекор қилиш ва уйдан кўчиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 18 октябрдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 29 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар “Бунёдкор” МЧЖ ҳамда жавобгар Ш.Салимов ўртасида 2011 йил 5 апрелда 11-сонли қурилишда иштирок этиш шартномаси тузилган.

Шартноманинг 1.2-бандида Ш.Салимов қурилишга 115 000 000 сўм тўлов киритиши, тўлов эвазига қурилиш ҳудудидан битта турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини олиши кўрсатилган.

Шартноманинг 2.2-бандига кўра, Ш.Салимов шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 25 фоизини, яъни 28 750 000 сўмини 2011 йил 25 апрелга қадар, қолган 86 250 000 сўмини уй-жой топширилгандан кейин бир ой ичида тўлаши лозим бўлган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 238-моддасига мувофиқ мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт. Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

Юқоридаги шартноманинг 3-бандида, “Бунёдкор” МЧЖ шартномада белгиланган шартлар асосида қурилиш ишларини бажариш ва уй-жой битказилганидан кейин Ш.Салимовга топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса-да, жавобгар Ш.Салимовга низоли уй топширилмаганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

6-158-19-сонли иш

7. Чекланган тарзда фойдаланиш(сервитут) ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар тегишли ваколатли органларни ишга жалб этишлари ва уларнинг хулосаларига асосланиши лозим.

А.Дехқанов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Ihom trade” МЧЖ фойдаланишидаги ер майдонидан ўзи ва транспорт воситалари кириб чиқиши учун фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, даъвогар А.Дехқановнинг жавобгар “Ihom trade” МЧЖга тегишли Қ. шаҳар, А.Навоий кўчаси, 10-уйда жойлашган кўчмас мулкнинг кириш дарвозасидан даъвогарга тегишли мулк ёнига қадар бўлган масофада энига 6 метр бўлган ер майдонидан пиёда ва транспортда ўтиш мақсадларида чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи белгиланган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 16 августдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 22 январдаги ажрими билан куйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, Қ. шаҳар, А.Навоий кўчасидаги 10-уй “Ihom trade” МЧЖга, 10 “б”-уй Азиз Дехқановга тегишли бўлган, даъвогар ўз мулкидан фойдаланиш учун жавобгарга тегишли бўлган дарвоза ва унга бириктирилган ер майдони орқали ҳаракатланиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 173-моддасига кўра, ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 3-сонли қарори 16-бандига кўра, асосан, сервитут белгиланиши ва унинг шартлари хусусидаги ишларни ҳал қилишда судлар, тегишли ваколатли органларни ишга жалб этишлари ва сервитут белгилаш юзасидан уларнинг хулосасини олиши шарт.

Бироқ, судлар тегишли хулосаларни олмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келинган.

Олий суд судлов ҳайъатига тақдим қилинган “Ермулккадастр” давлат корхонаси Қ. шаҳар филиалининг хулосасида, даъвогарнинг ҳудудига жавобгарнинг ҳудудидан ташқари кўча томонидан бошқа йўллар мавжудлиги, ушбу йўлнинг энг тор жойи 5,49 метрни, энг кенг жойи эса 8,06 метрни ташкил этиши аниқланган.

8. Мерос уй-жой бўйича фуқаронинг имтиёзли ҳуқуқига эга эканлиги эътиборга олинмаслиги суд қарорини бекор бўлишга асос бўлади.

Шавкат Сабилов жавобгар Каромат Сабиловага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда марҳум отасидан қолган Ш.шаҳри, А.Навоий кўчаси, 16-уй бўйича мерос тақсимланишида имтиёзли ҳуқуқи борлигини билдириб, мерос мулкни асл ҳолида ўзига қолдиришни жавобгарнинг улушини пул шаклида ўзидан ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра, мерос мулк бўлган Ш. шаҳри, А.Навоий кўчаси, 16-уй-жой тарафларга тенгликдан чекинган ҳолда даъвогар Ш.Сабиловга 2-қаватда жойлашган 1 ва 2-яшашхона, 1-қаватда жойлашган олди-қисми Акфа бўлган 1 та яшаш хона, жавобгар К.Сабиловага 2-қаватда жойлашган 3-яшаш хонаси ва 1-қаватдаги безак берилмаган 1-омборхонанинг қисми бўлиб берилган.

Мерос мулк ҳисобланган уй-жойнинг 2-қаватдаги ойнавандлик айвон ва чиқиш зинасининг юқори қисмидаги айвон ҳамда ҳовлидаги ҳожатхона, темир дарвоза ва дарчалар томонлар ўртасида умумий фойдаланишга қолдирилган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 22 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра, Ш. шаҳри, А.Навоий кўчаси, 16-уй даъвогар Шавкат Сабиловга қолдирилган.

Даъвогар Шавкат Сабиловдан жавобгар Каромат Сабилова фойдасига уй-жойнинг компенсацияси учун 23 625 213 сўм ундирилиши белгиланган.

Аниқланишича, 2018 йилда марҳум Толиб Сабиловга тегишли Ш.шаҳри, А.Навоий кўчаси, 16-уйнинг 1/6-қисмига К.Сабилова, 5/6-қисмига Шавкат Сабилов меросхўр эканлиги тасдиқланиб, тегишли гувоҳномалар берилган бўлса-да, тарафлар ўртасида мерос мулкни бўлишда келишмовчилик келиб чиққан.

Суд-қурилиш экспертиза хулосасида низоли уй-жойнинг умумий бозор баҳоси 141 751 278 сўм, уй-жойнинг 1/6 қисми 23 625 213 сўм, 5/6-қисми эса 118 126 065 сўмдан иборат эканлиги, уй-жой тарафларнинг улушлари бўйича бўлиш имконияти йўқлиги, тенгликдан чекинган ҳолда бўлиш имконияти мавжудлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида жавобгар К.Сабилова ўз улушини компенсация сифатида олишга розилик билдирмаган.

Биринчи инстанция суди жавобгар мерос мулкдаги улушини пул компенсация шаклида олишга рози бўлмаганлигини эътиборга олиб, низоли уй-жойни тарафлар ўртасида тенгликдан чекинган ҳолда тақсимлаб берган.

Ваҳоланки, даъвогар даъво талабида уй-жойни тақсимлаб беришни сўрамаган бўлса-да, биринчи инстанция суди амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 274-моддасига зид равишда даъво талабидан четга чиққан.

Бундан ташқари, фуқаролик ишида мавжуд бўлган “Мевазор” МФЙнинг 2018 йил 18 майдаги 2241-сонли маълумотномасига кўра, Каромат Сабирава Ш. тумани, М. қишлоғида яшашлиги кўрсатилган, шунингдек тарафлар низолашаётган мерос мулк бўлган Ш. шаҳри, А.Навоий кўчаси, 16-уйдан ташқари, мазкур уйга чегарадош бўлган 16-а-уй-жой К.Сабиравага тегишли бўлган.

Бироқ, биринчи инстанция суди жавобгар К.Сабирава мерос уй-жойда яшамасдан келганлигини, мерос уй-жойдан бошқа уй-жойи мавжудлигини, уй-жойни тарафлар ўртасидаги улушларини тенг тақсимлаш имконияти мавжуд эмаслигини, мерос мулкдаги улуши анча кам эканлигини, даъвогарнинг эса низоли уй-жойда отаси вафотига қадар 3 йилдан ортиқ муддат давомида оила аъзолари билан яшаб келганлиги сабабли мерос таркибидаги уй-жойни олишда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1153-моддаси талаблари бўйича имтиёзли ҳуқуқига эга эканлигини эътиборга олмасдан, даъво талабидан четга чиққан ҳолда низоли уй-жойни тарафлар ўртасида тақсимлаб берган.

6-535-19-сонли иш

9. Ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига зарар етказганлиги ҳолатини суд томонидан суғурта ҳодисаси деб топилиши мумкин эмас.

Р.Машарипов жавобгар “Ўзагросуғурта” АЖ Ҳазорасп туман бўлинмасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Дамас русумли автомашинасини ўғли А.Машарипов ишончномага асосан бошқариб, 2017 йил 31 декабрда йўл транспорт ҳодисаси содир этганлиги натижасида автомашинага моддий зарар етказилганлигини, жавобгар ташкилот мазкур ҳолат суғурта ҳодисаси ҳисобланмаслиги ва суғурта товони тўланмаслигини маълум қилганлигини, шу сабабли содир қилинган йўл-транспорт ҳодисасини суғурта ҳодисаси деб топишни ва жавобгардан фойдасига 3 624 915 сўм суғурта товонини ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Унга кўра, А.Машарипов томонидан 2017 йил 31 декабрда содир қилинган йўл-транспорт ҳодисаси суғурта ҳодисаси деб топилган ва жавобгар “Ўзагросуғурта” АЖ Ҳазорасп туман бўлинмасидан Р.Машариповнинг фойдасига 3 624 915 сўм суғурта товони ҳамда тўланган

давлат божи учун 86 120 сўм ундирилиши белгиланган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 8 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 6 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Р.Машариповга тегишли “Дамас” русумли автомашинаси “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича” суғурта полисига асосан 2017 йил 9 мартда “Ўзагросуғурта” АЖ Ҳазорасп туман бўлинмаси томонидан суғурталанган.

Мазкур суғурта полисида транспорт воситасини бошқаришга қўйилган шахслар деб Р.Машарипов ва унинг ўғли А.Машарипов кўрсатилган.

Р.Машариповнинг ўғли А.Машарипов ишончнома асосида бошқариб, 2017 йил 31 декабрда соат 21:00 ларда Боғот тумани худудидан ўтган автомобиль йўлининг 43 кмда бошқарувни йўқотиши натижасида йўлнинг чап томонидаги бардюрга урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган, натижада автомашинага моддий зарар етказилган.

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

Мазкур Қонуннинг 8-моддасида ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига зарар етказганлиги оқибатида фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмаслиги белгиланганлигига судлар эътибор қаратмаган.

6-423-19-сонли иш

10. Тарафларнинг никоҳлари даврида уй-жойнинг кредити бўйича тўланган суммалардан эр(хотин) улушини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Дилнура Қаландарова жавобгар Эркин Қасимовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, биргаликдаги никоҳлари давомида олинган уй-жойдаги улуши бўлган суммани ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2018 йил 24 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2018 йил 14 июндаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Унга кўра, даъвогар Дилнура Қаландарова фойдасига жавобгар Эркин Қасимовдан Ғ. тумани, М. қўрғончасида жойлашган 91-уй-жойдаги улуш учун 34 113 174 сўм ундирилиши белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 27 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, кассация инстанцияси ажримининг улуш ажратишга оид қисмига ўзгартириш киритилган.

Аниқланишича, Дилнура Қаландарова ва Эркин Қасимовлар 2010 йил 13 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан бир нафар фарзандлари бор, суднинг 2017 йил 10 августдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажрашишган.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Х. минтақавий филиали ва жавобгар Эркин Қасимовлар ўртасида 2012 йил 24 июлдаги 218-сонли кредит шартномасига асосан Э.Қасимовга Ғ. тумани, Ё. қишлоқ аҳоли пунктидан намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш учун 7 фоиз устама тўлаш шarti билан 15 йил муддатга 62 920 000 сўм имтиёзли кредит ажратилган.

Ғ. туман ҳокимининг 2013 йил 7 мартдаги х-219/03-сонли қарорига асосан мазкур уй-жойга Эркин Қасимовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Кассация инстанцияси Оила кодексининг 23-моддасига ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, тарафлар никоҳлари даврида кредит ҳисобига уй-жой учун тўланган суммалар уларнинг умумий мулки ҳисобланишини, мазкур сумманинг тенг ярим қисмини Дилнура Қаландарова жавобгардан ундириш ҳуқуқига эга эканлигини эътиборга олиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида тўғри ва асосли хулосага келган бўлса-да, тарафларнинг никоҳлари даврида уй-жойнинг кредит қарзи учун 68 226 348 сўм тўлаганлигини, шундан Д.Қасимовга 34 113 174 сўм улуш ажратиш лозимлиги ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Х. вилоят филиалининг 2018 йил 14 июндаги хатининг нусхасида, 2017 йил октябр ойига қадар Э.Қасимов кредитнинг асосий қисмидан 18 726 226 сўм, фоизидан 19 500 148 сўм тўланганлиги кўрсатилган, бироқ мазкур хатда 62 226 348 сўм тўланганлиги кўрсатилмаган.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Х. вилоят филиалининг 2019 йил 18 январдаги 02/07-116/1-сонли хатига кўра, Э.Қасимовга Ғ. тумани, Ё. массивида 2012 йилда қурилган уй-жой учун кредит шартномасига асосан 62 920 000 сўм кредит ажратилганлиги, 2017 йил 31 август ҳолатига кўра, кредит қолдиғи 44 568 324 сўмни ташкил қилиши, фуқаро шу давр мобайнида кредит тўлови учун 38 292 872 сўм тўлаганлиги, ушбу сумманинг 18 974 294 сўми кредит юзасидан вужудга келган фоиз тўлови, 18 351 676 сўми эса асосий кредит тўлови эканлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, “Шўртангаз кимё мажмуаси” МЧЖнинг 2019 йил 23 январдаги 0181/461-сонли маълумотномасида, Э.Қасимовга ажратилган уй-жойнинг бошланғич ва якуний тўловидан бўлган 63 333 720 сўми жамият томонидан тўлаб берилганлиги, ушбу маблағдан Эркин Қасимов 2017 йил 30 августга қадар ойлик иш ҳақи ҳисобидан 4 227 247 сўмини тўлаганлиги,

унинг тўлаб бериши керак бўлган қарздорлик суммаси 59 106 473 сўм эканлиги кўрсатилган.

Демак, Э.Қасимов 2017 йил 31 августгача кредит бўйича 38 292 872 сўм ҳамда уй-жойнинг бошланғич ва якуний тўловидан 4 227 247 сўм жами 42 520 119 сўм тўлаганлиги эътиборга олинса, ҳар бир тарафнинг тўланган сумма бўйича улуши 21 260 059 сўмни ташкил қилиши суднинг эътиборидан четда қолган.

6-534-19-сонли иш